Муаллиф: Маняпов Н.Р.

Муаллифлик хуқуқига эгаси: МЧЖ «FOM GROUP»

F-KASSA v.3.1
виртуал касса дастурининг қўлланмаси

www.fomgroup.uz

МУНДАРИЖА

Дастурнинг асосий ойнаси 4

Меню сатридаги пунктлар изоҳи 4

«Кирим» (Приход) пункти 6

«Жараёнлар» (Операции) пункти 11

«Чеклар» пункти 13

«Тўлов» (Оплата) пункти 18

«Навбатчилик» (Смена) пункти 18

«Касса» пункти 20

«Тезкор маълумот» (Горячая линия) пункти 22

«Почта» пункти 22

«Йўналтириш» (Перемещение) пункти 23

«Тўлдириш» (Дополнительно) пункти 24

«Созламалар» (Настройки) пункти 26

Маълумотлар базасини архивлаштириш (Архивация Базы Данных) 29

Тизим талаби (Системные требования) 30

«F-KASSA» дастури провизор ва фармацевтлар учун бўлиб, дорихонадан дори сотилиши амалга оширилади

Касса дастурига киришдан аввал чиқаётган менюда барча керакли пунктлар белгилаб олинганлигига ишонч хосил қиламиз:



Сўнгра, 8 та белгидан иборат парольни териш лозим:



Дастурнинг асосий ойнаси



Асосий ойна тўрт қисмга ажратилади:

1) Меню сатрида: «Кирим» (Приход), «Жараёнлар» (Операции), «Чеклар», «Тўловлар» (Оплаты), «Навбатчилик» (Смена), «Касса», «Почта», «Қўшимчалар» (Дополнительно) ва «Созлашлар» (Настройки) пунктлари жойлашган.

2) Ойнанинг бу қисмида жорий чеклар, улар хақида маълумотлар ва тўлов миқдорлари кўриниб туради.

3) Ойнанинг бу қисмида янги навбатчилик бошланиши вақтидан КУНЛАР-СОАТЛАР: ДАҚИҚА: СОНИЯ форматида унинг санаси, вақти ва даври кўриниб туради. Шунингдек тўлов турлари, «Харидорга қайтариш» (Возврат от покупателя) ва «Чиқиш» (Выход) ёрлиқлари жойлашган.

4) Ойнанинг бу қисмида омборда қолган товарнинг қолдиқ сони, нархи, яроқлилик муддати ва шу каби бошқа маълумотлари кўриниб туради. Шу ерда тепа чап томондаги сатрда, дори номининг бош ҳарфлари ёрдамида излаш тизими мавжуд. Агар «Таркибли излаш» (Составной поиск) ни танлаган ҳолда қидирув сатрига, масалан «бро» харфларини терсангиз, натижасини қуйидаги расмда кўриш мумкин:

«Таркибли излаш» (Составной поиск) танланганда экранда қуйидаги кўриниш бўлади:

Бундай ҳолатда сўзнинг қайси қисмида жойлашишидан қатъий назар «бро» ҳарфлар жамламаси мавжуд бўлган дорилар рўйхати келиб чиқади.

«ПРИХОД» (КИРИМ) пункти

Приход пункти **«Реестр», «Загрузить приход»** (Киримни юклаш) ва **«Мне нужно»** (Менга керак) функцияларидан ташкил топган:

«Реестр» функцияси танланганда № 2 панелида «Приход» бўлимида қуйидаги ойна очилади:



«Новый» белгисини танлаймиз

Сўнгра Приход (кирим) карточкасини кўрамиз:



1) Сана ва таъминотчининг фактура рақами киритилади.

2) Кирим санаси ва юк хати рақами автоматик тарзда киритилади.

3) Предоплата (олдиндан тўловнинг) фоизи ва унинг қайси санагача тўланиши лозимлиги кўрсатилади.

4) Юк хатининг тури кўрсатилади.

5) Таъминотчи компаниясининг номи кўрсатилади. Ўнг тарафдаги тугма эса рўйхатга киритиб бўлинган таъинотчи компаниялар номини танлашга ёки янги таъминотчи номини кўшишга ёрдам беради.

6) Товарни қабул қилувчи омбор кўрсалиталади. Ўнг тарафдаги тугма рўйхатга киритиб бўлинган омборлар номини танлашга ёрдам беради.

7) Эслатма сифатида қўшимча маълумотлар қўшиш мумкин.

8) «Подбор» (Приход) тугмаси товар номлари рўйхатини чиқаради.

9) «Сохранить» (Сақлаб олиш) тугмаси киритилган маълумотни сақлаб олишга ёрдам беради.

10) «Активация» тугмаси эса товарнинг омбордан чиқарилиб киримга киритилишини ишга туширади. Товарлар киримга киритилганидан сўнг (сариқ рангдан оқ рангга ўтканидан сўнг), товар кирим хатларида хам кўрсатилади.

11) «Выход» тугмаси ушбу жараёндан чиқади.

Қўйидаги тугмани босиб, таъминотчи компанияни танлаймиз:



Агар ушбу таъминотчи рўйхатда бўлмаса, қўйижаги тугмани босиб, янги таъминотчини рўйхатга киритамиз:



ТАЪМИНОТЧИ КАРТОЧКАСИДА ЗАРУР БЎЛГАН МАЪЛУМОТЛАР:

***Компания номи**

***Тўла номи**

***Вилоят**

***Туман**

***Поставщик (Таъминотчи) ни белгилаб олиш**

Сўнгра, **«Подбор»** тугмаси босилади ва компания дориларининг рўйхатини кўрса бўлади.



Агар дори номи рўйхатда бўлмаса, мышканнинг ўнг тугмасини босиб «новый» ни танлаймиз ёки клавиатурадаги Ins. Тугмаси босилади.

Кейин эса дори карточкаси тўлдирилади.



Ушбу ойнадаги сатрларга дори воситаси тўғрисида маълумотларни (савдо номи, дозаси, чиқариш шакли, рақами, ўлчов бирлиги) киритиб яшил рангдаги белгилаш тугмаси босилади. Натижада юқоридаги сатрда товарнинг изланиш номи шаклланади. Шундан сўнг кейинги сатрларда янги киритилган дори воситасининг ишлаб чиқарувчиси, туркуми, халқаро номланиши, гурухланиши киритилади. "Сақлаш" (Сохранить) тугмаси босилади ва кейинги ойна очилади.

Агар дори номи рўйхатда бўлса, уни танлаймиз ва , находим его, нажимаем «ENTER» тугмасини босиб приход (кирим карточкасини тўлдирамиз)



ПАРАФАРМА тугмаси танланганда ҚҚС (НДС) устама нархи автоматик тарзда қўйилади.

Бу ойнада устама нарх турини, келтирилган товар миқдорини (Тўлиқ ёки зарур бўлганда донали миқдорини, масалан 0+2/1 0, яъни дори воситаси 10та ампулали ўрамдан 2та ампула келтирилди), тан нархи, келиб тушиш нархи ва керак бўлганда чегирмалар киритилади ва махсулот нархи автоматик тарзда ҳисоблаб берилади. «Ҳисоблаш» (Расчёт) тугмаси босилганда ўртадаги панелда чакана сотиш нархи келиб чиқади. Зарур бўлганда бу маълумотларни қўлда ҳам киритса бўлади.

Пастки панелда товар серияси ва унинг яроқлик муддати киритилади. «Оригинал» сатрига ишлаб чиқарувчи заводнинг асл (максимал) ўрами миқдори, масалан ўрамлар қутиси киритилади. «Сақлаш» (Сохранить) тугмаси босилгандан сўнг ойна ёпилади.



Натижада «Товар танлаш (Кирим)» - (Подбор товара (Приход) ойнасида янги дори воситаси номи пайдо бўлади ва автоматик тарзда омборга кирим бўлиб пастки панелда кўринади.

Керакли товар номлари рўйхатда кўринганида, экраннинг тепасидаги ўнг тарафда жойлашган крестик белгиси орқали ушбу дарчадан чиқиб кетилади.

Сўнгра, «Активация» (белгиси “галочка”) босилади. Ушбу тугмага босилганда, барча киритилган товарлар қолдиқлар рўйхатига киритилади.



«Жараёнлар» (Операции) пункти

«Жараёнлар» (Операции) пункти «Штрих код», «Фильтр», «ХПН» (МНН) функцияларидан ташкил топган.

«Штрих код» функцияси қолдиқдаги товарлар рўйхатини фильтрлаш имконини беради. Бунинг учун аввал – F7 клавишасини босиш керак бўлади, сўнг ойнанинг марказидаги сатрга (расмда қизил билан белгиланган) штрих-коддаги охирги рақамларни киритиб, Enter лавишаси босилади.Натижада товарларнинг саралланган рўйхатли ойнаси очилади:



Бу ерда керакли ўриндаги товарни танлаш икки хил усулда амалга оширилади: F6 клавишаси орқали танланган маҳсулотнинг битта ўрами белгиланади, F2 клавишаси маҳсулотнинг қолдиқдаги барчасини белгилайди. Танлаб бўлингандан сўнг Enter клавишаси босилади ва қуйидаги ойна очилади:



a) Танлаш керак бўлган товар кўриниб туради.
b) Ишлаб чиқарувчи номи кўриниб туради.
c) Серияси
d) Яроқлилик муддати.
e) Омборхонадаги жорий қолдиқни кўрсатиб туради (масалан «4(45/50)» ёзуви омборхонада 4та тўлиқ ўрамда ва бешинчи ўрамдаги 50тадан 45 та бордир)
f) Сараланаётган дори воситасининг тўлиқ ўрами миқдори киритилади.
g) Зарур ҳолларда махсулот тўлиқ ўрамда эмас балки қисман киритилади. (Масалан 50та таблеткадан 3 таси олинди)
h) Бир ўрам учун нарх киритилади.
i) Бир ўрам ичида нечта дона (таблетка) миқдори киритилади.
j) Сотилиш нархи автоматик тарзда келиб чиқади.
k) «Ҳаммасини олиш» (Забрать все) клавишасини босиб мавжуд булган барча товарни олиш мумкин.
l) «Тайёр» (Готово) тугмасини босганда ойна ёпилади ва киритилган маълумотлар "Товар танлаш(Чиқим) рўйхатида сақланади.
m) «Чиқиш» (Выход) тугмаси босилганда киритилган маълумотлар сақланмаган ҳолда ойнадан чиқилади.

«Фильтрлаш» функцияси махсулотнинг номланишига кўра фильтлайди. Бу жараёнда ойнанинг пастки сатрларида

фильтрланаётган махсулотлар келиб чиқади. Ушбу функцияни F3 клавишаси ёрдамида ишга тушириш мумкин.

Қуйидаги кўринишдаги ойна очилади:



«ХПН» (МНН) функцияси маҳсулотни халқаро патентланган номлари бўйича фильтрлаб беради. Ушбу функцияни F1 клавишаси ёрдамида ишга тушириш мумкин.



Меню сатридаги «Чеклар» пункти

«Чеклар» пункти «Янги чек», «Қайта тиклаш» (Восстановление), «Барча чеклар» (Все чеки) ва «Харидордан қайтиб олиш» (Возврат от покупателя) функцияларидан ташкил топган.

«Янги чек» (Новый чек) функцияси **F4** клавишаси ёрдамида ишга туширилади ва янги чекни расмийлаштиради. Қуйидаги кўринишдаги ойна очилади:



Бир вақтнинг ўзида бештагача янги чекни расмийлаштириш мумкин. Бир чекдан бошқа чекка ўтиш учун керакли чекни танлаш кифоя (юқоридаги расмда белгиланган жойга қаранг). Ойнанинг тепа ўнг томонида танланган чекнинг рақами кўриниб туради.

Чек бўйича тўловни қабул қилиш учун, ўнг томондаги панелдан керакли тўлов тури танланади. Тўлов тури танланганда қуйидаги кўринишдаги ойна очилади, бу ойнада қайси тўлов тури танланишидан қатъи назар тўловнинг барча турлари кўринади (асосий танланган тўлов тури сариқ рангда белгиланади).

Бу ойнада тўлов тури ва суммаси, хусусан бир неча тўлов тури киритилади (OnLine ва Касса). Ойнанинг тепа қисмида тўлов суммаси кўриниб туради.



Тўлов миқдори остидаги сатрда тўловни ким томонидан амалга оширилиши киритилади (сатрдан ўнг томонда жойлашган «Маълумотнома» тугмасини босган ҳолда, мавжуд рўйхатдан танлаш мумкин ёки янги номланиш киритилади). «Маълумотнома» тугмаси ёнида жойлашган "икс" тугмаси босилганда, пастдаги сатрларга тўлов турлари ва миқдорлари тўғрисида киритилган маълумотлар ўчирилади.

- «Чегирма» (Скидка) сатри автоматик тарзда киритилади ва сотилаётган товарга қўлланилган чегирма миқдорини кўрсатиб туради.

- «Тўлов миқдори» (К оплате) сатри чегирма ҳисобидан келиб чиққан ҳолда, жами тўланиши керак бўлган миқдорни кўрсатиб туради.

- «Кимга» (Кому) сатрига тўлов ўтказилаётган томон номи киритилади.

- «Касса» сатрига нақд пул кўринишдаги тўлов миқдори киритилади. – «OnLine» сатрига offline-карта орқали тўлов миқдори киритилади.

- «Click» сатрига Click тўлов тизими орқали тўлов миқдори киритилади.

- «Жами» (Итого) сатрига, барча тўлов турлари орқали қилинаётган тўловларнинг умумий қиймати киритилади ва унинг остидаги сатрда жами тўлов миқдори кўриниб туради

- «Оплата» (Тўлов) тугмаси тўловни амалга ошириш жараёнини тугатади.

- «Бекор қилиш» (Отмена) тугмаси босилганда киритилган маълумотлар сақланилмаган ҳолда ойна ёпилади.

Ушбу тизим тўловни бир неча турлари ёрдамида ёки бир вақтнинг ўзида турли ҳил тўловлар орқали амалга ошириш имконини беради. Масалан, икки ёки ундан кўп бўлган йўллар билан тўлов амалга оширилаётганда, сатрлардан бирига тўловнинг бир қисми киритилса, ундан кейинги сатрда тўловнинг қолган қисми автоматик тарзда кўриниб туради.

«Қайта тиклаш» (Восстановление) функцияси чек очилган вақтнинг ўзида, компьютер ишдан чиқиши натижасида дастурни тарк этиш ёки электр энергияси узилиш ҳолларида ишлатилади. Дастурни қайта ишга туширишда, носозлик вақтида очиқ қолган чекни ёпмасдан туриб, навбатчиликни тугатиб бўлмайди Шунинг учун ҳам «Қайта тиклаш» (Восстановление) функцияси ёрдамида очиқ қолган чекни бекор қилиш ёки ниҳоялаш керак бўлади.

«Барча чеклар» (Все чеки) функцияси ёрдамида очиқ қолган, якунланган ва якунланган ҳолда тўлиқ тўлов қилинмаган чеклар рўйхатини кўриш мумкин. Қуйидаги кўринишда ойна очилади:



1) «Тўлов» (Оплата) тугмаси тўлиқ тўлов қилинмаган чек бўйича,тўловни амалга ошириш имконини беради. (чеклар рўйхатида қизил ранг билан ажралиб туради). Қолган тўловни тўлаш, янги тўловни тўлаш каби бир нечта турда амалга ошириш мумкин. Қолган тўлов якунлангандан сўнг қизил рангли белги ўчирилиб, чек оқ рангга ўтади. Сариқ рангдаги хужжатлар (чиқим қилинмаганлар) бўйича тўловларни ушбу тугма ёрдамида амалга ошириб бўлмайди.
2) «Чекни ўчириш» (Удалить чек) тугмаси танланган чекни, барча маълумотларини ўчиргандан сунг ўчириб ташлайди.
3) «Янгилаш» (Обновить) тугмаси белгиланган фильтрлардан келиб чиққан ҳолда хужжатлар рўйхатини янгилаб беради.
4) «Фильтрлаш» тугмаси ёрдамида чеклар рўйхатини фильтрлаш мумкин.
5) «Чиқиш» (Выход) тугмаси босилганда ойна ёпилади.
6) Ойнанинг бу қисмида чеклар рўйхати кўриниб туради. Чеклар уч турга бўлинади: «Чакана савдо» (Розничная продажа), «Чакана қайтариш» (Возврат розница) ва «Омборга қайтариш» (Возврат на склад). Шунингдек улар ранглар билан ажралиб туради: Оқ рангда: Тўлов ва чиқим қилинган чеклар

   Сариқ рангда: Тўлов ва чиқим қилинмаган чеклар.

   Қизил рангда: Тўлов қилинмаган лекин ва чиқим қилинган чеклар.

7) Ойнанинг бу қисмида юқоридаги рўйхатдан танланган чекдаги маълумотлар кўриниб туради
8) Ойнанинг бу қисмида танланган чек бўйича жами тўлов миқдори кўриниб туради



«Харидордан қайтиб олиш» (Возврат от покупателя) функцияси, харидор томонидан товарни қайтарилишида қўлланилади. Товарни ким томонидан қайтарилишини танлаш учун қуйидаги ойна очилади:



Ушбу ойнада харидор танлангандан сўнг «Қайтариш» (Возврат) тугмаси босилади ва қуйидаги ойна очилади:

1) Товар сотилган сана киритилади. Ушбу сатрга киритилган санага кўра, ойнанинг 5-қисмида товарлар рўйхати келиб чиқади.
2) «Харидор» (Покупатель) сатрида ким томондан товар қайтарилаётгани кўриниб туради.
3) Ойнанинг бу қисмида, харидор томонидан қайтарилаётган товар минус қиймати ва минус суммаси билан кўриниб туради.

4) Ойнанинг бу қисмида, харидор томонидан қайтарилаётган товарнинг минус белгиси билан жами суммаси кўриниб туради. «Чиқиш» тугмаси бу ойнани ёпади.
5) Ойнанинг бу қисмида, 1-сатрга киритилган санадаги сотилган товарлар рўйхати кўриниб туради.

Ушбу ойна ёпилганда, экранда автоматик тарзда тўлаш керак бўлган қолдиқ суммали чек келиб чиқади. Тўлов қилингандан сўнг «Барча чеклар» (Все чеки) рўйхатида қайтарилган товардан ташкил топган минус суммали «Чакана қайтариш» (Возврат розница), хужжати пайдо бўлади.

Меню сатридаги «Тўлов» (Оплата) пункти

«Тўлов» (Оплата) пункти қуйидаги тўлов турларидан ташкил топган:

1) **Нақд тўлов** – нақд пул кўринишдаги тўловлар тури- **F9** тугмаси
2) **Мобил тўлов** - телефон орқали тўловлар учун- **F10** тугмаси
3) **Online** - карточка орқали тўловлар учун- **F11** тугмаси
4) **Click** - Click тўлов тизими орқали тўловлар учун- **F12** тугмаси
5) **Суғурта** (Страховка) - тақдим қилинган суғурта полиси орқали тўлов учун

Меню сатридаги «Навбатчилик» (Смена) пункти

«Навбатчилик» (Смена) пункти «Ҳисобот» (Отчет), «Очиш» (Открыть), «Ёпиш» (Закрыть) функцияларидан ташкил топган.

«Ҳисобот» (Отчёт) функцияси ёрдамида жорий навбатчилик давридаги сотувлар, тўловлар ва қарзларни кўриш мумкин. Қуйидаги кўринишда ойна очилади:

«Очиш» (Открыть) функцияси ёрдамида янги навбатчилик даври очилади. Агар навбатчилик даври очилган бўлса, янги навбатчилик даврини очиш учун жорий навбатчиликни ёпиш керак.

«Ёпиш» (Закрыть) функцияси жорий навбатчилик даврини тугатади. Агар навбатчилик даврида якунланмаган чеклар бўлса, ушбу

чекларни якунлаш (тўлаш ёки ўчириш) кераклиги ҳақида ҳабар пайдо бўлади. Шунингдек, навбатчилик даврида чеклар очилган ҳолатда, компьютер ёки дастур ўчиб қолган бўлса, қайта тиклаш функциясидан «Меню» -> «Чеклар» -> «Қайта тиклаш» фойдаланган ҳолда ушбу чекларни қайта тиклаб, тўлов қилинмаганларини якунлаш ёки ўчириш керак бўлади.

«Отчёт» тугмаси сотувларни ва улар бўйича барча тўловларни кўрсатади.



Меню сатридаги «Касса» пункти

«Касса» пункти: «Сменани очиш» (Открыть смену), «X отчёт», «Z отчет», «Қолдиқ» (Остаток), «Чиқим» (Расход), «Ҳисоб» (Расчёт) функцияларидан ташкил топган.

«Открыть смену» опцияси кассанинг сменасини очиш учун қўлланилади.

«X отчет» опцияси X отчет олиш учун қўлланилади

«Z отчет» опцияси Z отчет олиш учун ишлатилади



«Қолдиқ» (Остаток) функцияси ёрдамида ҳар бир тўлов бўйича қолдиқ суммани кўриш мумкин. Қуйидаги кўринишдаги ойна очилади:



«Чиқим» (Расход) функцияси қуйидаги кичик пунктлардан ташкил топган: Инкасса «Касса», Инкасса «Терминал».

Кассанинг Инкасса бўлими қуйидаги кўринишга эга:



Бу бўлимда нақд киримни инкассация қилиш мумкин.

Инкассация бўлимида «терминал» танланганда қуйидаги дарчани кўриш мумкин. Бу ерда терминал орқали келган киримни инкассация қилиш мумкин



«Горячая линия» (Тезкор маълумот) меню пункти

«Горячая линия» (Тез ёрдам) дорихона тармоғининг танланган дорилар рўйхатини бошқа филиалларда кўришга ёрдам беради. "Горячая линия" модули алоҳида ҳарид қилинади ва алоҳида йўриқнома билан тақдим этилади.



Меню сатридаги «Почта» пункти

«Почта» пункти «Маълумотномаларни қабул қилиш» (Принять справочники) ва «Юкланганларни юбориш» (Отправить выгрузку) функцияларидан ташкил топган.

«Маълумотларни қабул қилиш» (Принять справочники) функцияси ёрдамида омбордан юборилган маълумотлар юклаб олинади. Ушбу функция танланганда, аввалдан почта дастуридан сақланган файл "Кирувчилар"(Входящие) директориясидан юклаб олинади.

«Юкланганларни жўнатиш» (Отправить выгрузку) функцияси ёрдамида омборга жўнатиладиган файл яратилади. Ушбу функция ҳар ойлик ҳисоботни юбориш учун қўлланилади.

«Йўналтириш» (Перемещение) бўлмаси

1. Бир филиалдан бошқасига кўчириш керак бўлган дорилар рўйхати танланади:



2. Товарларни кучириш учун дорихона номи (филиал) танланади:



:

Меню сатридаги «Тўлдириш» (Дополнительно) пункти

«Тўлдириш» (Дополнительно) пункти «Тарих» (История), «Талаб ва таклифлар» (Отказы и пожелания), «Жўнатилган товарлар протоколи» (Протокол отправки) ва «Нархни алмаштириш» (Переоценка) функцияларидан ташкил топган.

«Тарих» (История) функцияси қуйидаги кўринишдаги ойнани очади:



Керакли препарат танланганда қуйидаги кўринишдаги ойна очилади:



Ушбу ойнада дори воситасининг «сотув ва чиқим»лар статистикасини кўриш мумкин.

«Сотув» (Продажи) ёрлиғи, ушбу дори воситасининг сотувини кўрсатади.

«Гуруҳлаш» (Группировка) ёрлиғи, танланган ой(йил) давомида сотилган товарнинг миқдорини кўрсатади ва қуйидаги кўринишга эга бўлади.

«Талаб ва таклифлар» (Отказы и пожелания) функцияси қуйидаги кўринишга эга ойнани очиб беради:



Ушбу функция, зарур бўлган, лекин дорихонада бўлмаган дори воситалари хақида харидорлардан ахборот йиғиш учун ишлатилади.

Тепадаги ойнада сўралган дори воситасининг миқдори, пастки қисмида эса складдаги қолдиғи кўринади.

«Қўшимча экран» (Дополнительный экран) функцияси, сотиб олинадиган товар ва нархлар бўйича ахборотни ҳаридорга кўрсатиб, қўшимча экранга чиқариш учун мўлжалланган.

«Жўнатилган товарлар протоколи» (Протокол отправки) барча жўнатилган товарлар хақида маълумот олишни таъминлайди.



«Нархни алмаштириш» (Переоценка) позволяет переоценить товар.

«Настройки» (Созламалар) меню пункти

«Настройки» (Созламалар) меню пункти «Настройки» (Созламалар), «Созламаларни ўчириш» (Сбросить настройки) ва «Фойдаланувчилар» (Пользователи) функцияларидан ташкил топган.

«Настройки» дастурни фойдаланувчи истагига кўра созлашга ёрдам беради.

«Сканер» штрих код сканерларини созлашга ёрдам беради ва қўйидагича кўринишга эга:



«Порт» бўлимида штрих код сканер уланган COM-порти кўрсатилади. «Минус» бўлимида сканер маркасидан келиб чиқиб штрих код символларининг сони кўрсатилади (одатда 1 ёки 2).

«Отчеты» бўлими чоп этиш созламаларига ўзгартиришлар киритиш учун ва принтер турини танлаш учун мўлжалланган:



«Скины» интерфейс кўринишини ўзгартириш учун керак бўлади:



«Директории» қўйидагича кўринишга эга:



Ушбу бўлимда асосий директориялар кўрсатилади:

«Сертификаты» бўлимида дорилар сертификатлари сақланадиган папка номи кўрсатилади.

«Входящие» складдан жунатилган хужжатлар ёки бошқа ердан юклаб олинган хужжатлар папкаси кўрсалитали.

«Исходящие» чиқиб кетилган, жўнатилган хужжатлар папкасининг номи кўрсатилади.

«Сбросить настройки» дастурнинг асли созламаларига қайтиш учун қўлланилади. Дастур созламаларини асли ҳолига келтириш учун, компьютерни ўчириб ёқиш керак.

«Пользователи» фойдаланувчи турларини ва ҳуқуқларини созлашга кўмак беради.



Фойдаланувчини танлаб олиб, белгилар ёрдамида уларга ҳуқуқлар бериш ёки ҳуқуқларни олиб қўйиш мумкин.

Маълумотлар базасини архивлаштириш

Маълумотлар базасини архивлштириш фақат сервернинг ўзида амалга оширилади!



«Настройки»тугмасини босинг > «Архив БД»



Архив МБ (БД) қаерга сақланишини танланг. Ва «Сохранить» ни босинг.

«F-Kassa» виртуал касса дастури

Тизим талаби (Системные требования)

Фаолият станцияси - Сервер

Техник	Сервер МБ (БД) (локал МБ учун)	Касса иш жойи + Сервер МБ (БД) (локал МБ учун)	Касса иш жойи	Омбор иш жойи
Операционн тизим	MS Windows 7 и выше	MS Windows 7 и выше	MS Windows 7 и выше	MS Windows 7 и выше
Процессор	Intel Dual-Core (Pentium) ва ундан юқори (ёки мос келадиган)	Intel Dual-Core (Pentium) ва ундан юқори (ёки мос келадиган)	Intel Celeron ва ундан юқори (ёки мос келадиган)	Intel ва ундан юқори (ёки мос келадиган)
ОЗУ (оператив хотира хажми)	4ГБ дан кам эмас	4ГБ дан кам эмас	2ГБ дан кам эмас	2ГБ дан кам эмас
Қаттиқ диск HHD/SSD	Минимум HDD 500 ГБ SSD(тавсия этилмайди)	Минимум HDD 500 ГБ SSD(тавсия этилмайди)	Минимум HDD 80 ГБ ёки SSD	Минимум HDD 80 ГБ ёки SSD
Антивирус	DrWeb, Касперский, Nod32	DrWeb, Касперский, Nod32	DrWeb, Касперский, Nod32	DrWeb, Касперский, Nod32

Савдо ускуналари

Чек принтери	Хар қандай pos принтер 58мм либо 80 мм
Штрихкод сканери	Хар қандай 1D и 2D штрих-код/ QR-код сканерлар

Локал тармоқ

Тармоқ ичида дастурни ишлатиш жараёнида фалоият станциясининг локал сервер билан доимий боғланиш бўлиши керак. Маъуломотларни узатиш протоколи: TCP / IP, тармоқ ускуналари: Ўтказиш кучи 100 Мбит / сек дан ва ундан юқори бўлган коммоутатр